

ЮСУФ ХОС ХОЖИБ

(XI аср)

Асли исми Юсуф бўлган илк турк достоннависи Болосогунда тугилган. Хос Хожиб (айрим манбаларда Юсуф Болосогуний) шоирнинг унвони бўлиб, унинг асари хукмдорга тортик килингандан сўнг шундай номга сазовор бўлган. Муаллифнинг бизгача етиб келган ягона асари хижрий 462 (1069-70)да ёзиб тугалланган "Кутадгу билиг" ("Бахтлиланиш билими") бўлиб, муаллиф ўз асарини 18 ойда ёзиб тугатган. Асардаги тўрт рамзий кахрамон Кунтуғди (адолат), Ойтўлди (давлат), Ўгдулмиш (акл) ва Ўзгурмиш (каноат) тимсоллари оркали Юсуф Хос Хожиб ўзининг ижтимоий-сиёсий, адабий-фалсафий карашларини ифода қилган.

Асар бизгача уч нусхада етиб келган бўлиб, биринчиси сақланиш ўрнига кўра "Вена нусхаси" деган ном билан юритилса ҳам, аслида Хиротда 1439 йилнинг 17 июнида котиб Хасан Кора Соёил Шамс томонидан уйгур ёзувида кўчирилиб тугатилган. Иккинчи нусха кўчирилиш ўрни, топилиши ва сақланишига кўра "Кохира нусхаси" (Кохирадаги Хидув кутубхонасида сақланаётгани 1896 йилда маълум бўлган) деб номланади. Учинчи нусха "Наманган нусхаси" номи билан илмга кирган бўлиб, 1923 йили Фитрат томонидан қўлга киритилиб, Тошкентга келтирилган. А.Кононовнинг аниқлашича, ушбу қўлёзма мавжуд нусхалар ичида энг мукаммалдир. У 6329 байтдан иборат, маснавий (арузнинг "мутакориби мусаммани махзуф") вазнида ёзилган.

Асардаги илмнинг хосияти, билим бахт қалити экани ва тил одоби хусусидаги қисмлардан парчалар келтирилди.

“Кутадгу билиг”дан

ЙАНГЛУК АГИРЛИКИН ТАНУРЛАЙУР
БИЛИГ БИРЛА (ИНСОННИНГ КАДРИ
БИЛИМ БИЛАН БЕЛГИЛАНАДИ)

Тўрутти ўзурди сечу йал(и)нглукуг
Ангар берди эрдам билиг ўг укуг
(Сечу, яъни хар ерда маълум Худо, инсонни яратди,
Танлади, унга хунар, билим ва укув берди).

Кўнгил берди ҳам ма йуритти тилиг
Ўвут берди қилк ҳам қилинчи силиг
(Унга кўнгил берди, тилини йўрик (равон) қилди,
Андиша, хулк ҳамда гўзал феъл ато қилди).

Билиг берди йанглук безуди бу кун
Укуш берди ўтру йазилди тугун
(Билим берди (шу туфайли), инсон бу кун улугликка эришди, Укув берди, сўнг (шу туфайли берк) тугунлар ечилди).

Байат кимка берса укуш ўг билиг
Ўкуш эзгуликка узатти алиг
(Худо кимга укув, акл-идрок, билим берса,
У кўп эзгуликлар килишга кўл узатади).

Билигни безуг бил укушни улуг
Бу эки безутур ўзурмиш кулуг
(Билимни буюк, укувни улуг бил,
Бу иккиси танлаган бандасини улуглайди).

Бу сўзка тануки муну келди сўз
Бу сўзни эшитгил сўзунг менда ўз
(Бу сўзнинг исботи учун мана шундай сўз бор,
Бу сўзни эшитгин, (тегишли) сўзингни мендан ол:

Укуш кайда бўлса улуклук бўлур
Билиг кимда бўлса безуглук алур
(Заковат каерда бўлса, улуглик бўлади,
Билим кимда бўлса, буюклик олади).

Укушлиг укар-ул билиглиг билир
Билигли укугли тилакка тегир
(Заковатли укади, билимли билади,
Билимли, заковатли тилакка етади).

Билиг маъниси бил неку тер билиг
Билиг билса ўтру йирар эрда иг
(Билим маънисини билгин, билим нима дейди:
Билим билса, сўнг кишидан бало-офатлар йироклашади).

Билигсиз киши барча иглиг бўлур
Игиг эмламаса киши терк ўлур
(Билимсиз кишилар барчаси дардлик бўлади,
Дардни даволамаса, киши бот ўлади)

Йури эй билигсиз игингни ўта
Билигсиз ўтин-сен э билга кута
(Кел, эй билимсиз, дардингга даво кил,
Билимсиз (бўлсанг)-тубансан, доно (бўлсанг)-бахтлisan).

Укуш-ул бурундук ани йетса эр

Тилакка тегир ул туман арзу йер
(Билим гүйе бир бошбог кабидир, агар киши унга эриша олса, Тилакка етиб, туман орзуларга эришади).

Укуш бўлса эрка кўр асги ўкуш
Билиг билса ўтру бўлур эр кўшуш
(Кишида заковат бўлса, (унинг) нафи каттадир,
Билим ўрганса, сўнг киши азиз бўлади).

Укуш бирла ишлар камуг иш кузуг
Билиг бирла беглар бу булмиш ўзуг
(Хамма (хам) иш-амалларни заковат туфайли бажаради,
Беглар давр-давронга билим туфайли эришганлар)...

КИТАБ ИЗИСИ ЎЗИНГА УЗР АЙУР
(КИТОБ ЭГАСИ ЎЗИГА УЗР АЙТАДИ)

Тилаким сўз эрди э билга бўгу
Кезин келдачика ўзум сўзлагу
(Тилагим сўз эди, эй билагон доно,
Кейин келувчи(лар) учун ўзим айтадиган (сўзлар эди).

Укуш келди ўтру айур бутру кўр
Сўзунг бўлса йанглук сенга бўлга кўр
(Заковат пеш келди, ишонарли килиб айтади, кўр,
Сўз(лар)инг янглиш-хато бўлса, сен учун зарар бўлади)...

Йашил кўкдин инди йагиз йерка сўз
Сўзи бирла йанглук агир килди ўз
(Сўз бўз ерга яшил кўкдан тушди1,
Сўзи туфайли инсон ўзини улуг килди).

Киши кўнгли тубсуз тенгиз-тег турур
Билиг йунжу сани тубинда йатур
(Киши кўнгли тубсиз денгиз кабидир,
Билим инжу каби (унинг) тубида ётади).

Тенгиздин чикармаса йунжу киши
Керак йунжу бўлсун керак сай таши
(Денгиздан киши инжуни чикармаса,
У хох инжу бўлсин, хох сой тоши2 бўлсин (бефойдадир).

Йагиз йер катиндаки алтун таш-ул
Кали чикса беглар башинда туш-ул
(Агар бўз ер катидаги олтин тош

казиб чикарилса, беглар бошида безак бўлади).

Билиглиг чикармаса билгин тилин
Йарутмаз анин билги йатса йилин
(Билимли билимини тили оркали чикармаса,
Унинг билими йиллаб ётса (хам) ёритмайди).

Укушли билигли эзи эзгу нанг
Кали булсанг ишлат учуб кўкка тенг
(Заковат (ва) билим - жуда эзгу нарса,
Агар (уларга) эришсанг, ишлат, учиб кўкка кўтарил).

Неку тер эшитгил бу эл кент беги
Укушка билигга йетурмиш ўги
(Бу эл ва кент беги нима дейди, эшитгин,
Заковатга, билимга фахми етган (киши):

Ажун тутгука ер укушлуг керак
Будун басгука ўг керак хам йурак
(Жахон тутиш учун киши заковатли бўлиши керак,
Халкни босиш учун акл-фаросат (ва) юрак керак).

Укуш бирла тутти ажун тутгучи
Билиг бирла баста будун басгучи
(Жахонгир(лар) заковат билан олам тутди(лар),
Халкни босувчи(лар) билим билан босди(лар)...

<...> Ўлугдин тиригга кумару сўз-ул
Кумару сўзи тутса асги йуз-ул
(Ўлган(лар)дан тирик(ларга) мерос сўздир,
Мерос сўзи (яъни оталар сўзи)ни тутилса, нафи юз-юздир)

Билигсиз карагу турур белгулуг
Е кўзсуз карагу билиг ал улуг
(Билимсиз муайян кўрдир,
Эй нобино3, кўр, билимдан улуш ол).

Киши кўрки сўз-ул бу сўз-ўк телим
Йури эзгу сўзлуг кишиг ўг тилим
(Кишининг кўрки сўздир, сўз эса талайдир,
Кел, эй тилим, эзгу сўзли киши(лар)ни мадх кил.

Масал келди туркча мунар мензатур
Ани сўзладим мен муну йанзатур
(Бунга ўхшатадиган туркча масал бор,
Бунга мослаб шу (масал)ни сўзладим):

Укуш кўрки сўз-ул бу тил кўрки сўз
Киши кўрки йуз-ул бу йуз кўрки кўз
(Заковат кўрки сўздир, бу тилнинг кўрки сўздир,
Кишининг кўрки юздир, бу юзнинг кўрки кўздир).

Тили бирла йанглук сўзи сўзлайур
Сўзи йахши бўлса йузи сувланур
(Инсон ўз сўзини тили оркали сўзлайди,
Сўзи яхши бўлса, юзи сувланади (яъни обрў козонади)...

АЙТЎЛДИ ЖАВАБИ ЭЛИГКА (ОЙТЎЛДИНИНГ ЭЛИГГА ЖАВОБИ4)

Бу Айтўлди айди сўз асги телим
Кали сўзлайу билса ўш бу тилим
(Ойтўлди айтди: Сўзнинг фойдаси (жуда) кўп,
Агар бу тилим уни таърифлаб бера олса).

Йава сўз билигсиз тилиндин чикар
Билигсиз кишиг билга йилки атар
(Бехуда сўз билимсиз тилидан чикади,
Билимсиз кишини доно йилки5 атайди).

Қара килки тенгсиз йава сўзлаган
Йава сўз турур бу кара баш йеган
(Жохилнинг одати тенги йўк бехуда сўзлашдан иборат,
Кора бошни еган нарса бехуда сўздир).

Йава сўзласа сўз неча йас килур
Агар сўзлайу билса асги бўлур
(Сўзни бехуда сўзласанг, канчадан-канча зиён келтиради,
Агар сўзлай билсанг, унинг фойдаси бўлади).

Қара карни тўзса кўр уз-тег йатур
Йава сўзка авнур ўзин семритур
(Жохил корни тўйса, хўкиздедек ётади, кўр,
Бехуда сўзга гарк бўлиб ўзини семиртиради).

Йеса тўзса йатса бу йилки турур
Бу йилки тедукум бу килки турур
(Еса, тўйса ва ётса - бу демак йилкидир,
Бу йилки деганим унинг киликлари (учун)дир).

Билиглиг кишилар этўз йавритур
Билиг бирла авнур жанин семритур

(Донишманд кишилар ўз жисмларини койитадилар,
Билим билан овуниб ўз жонларига ором берадилар).

Этўз улги барча бўгуздин кирур
Бу жан улги чин сўз кулакдин кирур
(Жисм (тана)нинг хиссаси бўгиздан киради,
Жон (рух)нинг хиссаси эса чин сўз бўлиб, у кулокдан киради).

Билиг белгуси кўр эки нанг турур
Бу экики била эр кизил энг урур
(Билимнинг белгиси икки нарсадир, кўр,
Бу икки (наrsa) билан кишининг юзи ёруг бўлади):

Бири тил турур кўр бириси бўгуз
Бу экики баса тутса асги ўкуз
(Бири - тил, бири эса бўгиздир (нафсдир),
Шу иккаласини тия билсанг, фойдаси дарё кабидир).

Билиглиг богуз тилка эрклиг керак
Бўгуз тил кўдазган билиглиг керак
(Билимли, нафс (ва) тилга иродали бўлиши керак,
Нафс (ва) тилни тиядиган киши билимли бўлиши керак)...

АЙТЎЛДИ ЖАВАБИ ЭЛИГКА
(ОЙТЎЛДИНИНГ ЭЛИГГА ЖАВОБИ)

Бу Айтўлди айди ўкуш сўз ул-ул
Айитмади сўзлаб ирикса кўнгул
(Ойтўлди айтди: Сўзнинг кўпи шулдирки,
Сўрамаган (сўз)ни сўзлаб кўнгилга тегса)б.

Бу аз сўз ул-ул ким айтмихка ўз
Жаваб берса сўзка йанут килса сўз
(Сўзнинг ози шулдирки, сўраганга киши
Жавоб берса, сўзга (тенг) сўз билан жавоб килса.

Мунгар менгзату айди шаъир сўзи
Тили сўз била тузди ачти йузи
(Шоир сўзини бунга ўхшатиб айтди,
(У) тилини сўз билан беади, юзини очди [яъни хушрўй бўлди]:

Сўзуг йакши сўзла эзу сакну ўз
Айитукта сўзла йана теркин уз
(Ўзинг жуда ўйлаб сўзни яхши сўзла,
Сўраганда сўзла, яна тезликда тамом кил.

Ўқуш сўз эшитгил телим сўзлама
Уқуш бирла сўзла билиг бирла туз
(Сўзни кўп эшитгин, лекин ортик сўзлама,
Идрок билан сўзла, билим билан андазала)7...